

“Сайдинг қўябер, сайёд” – эрк ва озодлик қўшиғи

М. М. Ҳошимова

Ф.ф.н., доцент

Каримова Д.

Тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Фуркат халқимиз маданияти, адабиёти ва илм-фани тарихида талантли шоир сифатида шуҳрат топган. У ўз даврининг баракали ижод қилган шоирларидан эди. Унинг ижодида турли жанрларда ёзилган асарлар мавжуд. Жумладан, ғазал, мухаммас, мусаддас каби жанрларда яратган асарларида замона руҳи уфуриб туради. Шоирнинг “Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек” мисраси билан бошланувчи мусаддаси унинг ижодидагина эмас, балки, бутун ўзбек миллий уйғониш даври адабиётида муҳим ўрин эгаллайди. Мусаддасда асосан уч образ сайд (ов), сайёд(овчи), дом(тузоқ) образлари мавжуд бўлиб, мазкур образлар Шарқ адабиётида кадимдан ўрин олган.

Асар ўзининг эрксевар мазмуни, чуқур инсонпарварлик ғояси билан давр адабиётида алоҳида ўринга эга.

Маълумки, XVIII асрда туркман шоири Андалиб ушбу образлардан унумли фойдаланиб, овчи тузоғига илинган оҳуга ҳамдардлик туйғуси билан тўлиб-тошган алоҳида мухаммас ёзган эди. Фуркат эса мусаддас жанрида асар ёзиб, у ҳам юқоридаги образларни мужассамлантирди. Лекин шоир яшаган замон, Туркистондай юртнинг, элнинг қўлдан кетиб сайёднинг қўлига тушиши унга янги маъно, янги мазмун беради. Қолаверса, фуркатшунослар ушбу мусаддаснинг майдонга келишида шеърда номи зикр этиладиган Саъдулла Ҳофизнинг ёмонлар томонидан фожиали ўлдирилишини ҳам бир сабаб қилиб кўрсатадилар.

Асарда шоир асосан ҳақсизликни, зулмни, тутқунликни қоралайди, ўзининг ҳаёт ҳақидаги орзуларини куйлайди. У эркин ва озод ҳаётни тараннум этади.

Мусаддас эркин ҳаёт, озод турмуш ҳақидаги кўшиқдир. Мусаддасда шоир яшаган даврдаги адабиётга, ундаги ижобий қаҳрамонга хос бўлган ширин орзулари, келгусида бахтли ҳаётга етишиши ҳақидаги истаклари кўтаринки руҳда ўз ифодасини топган.

Мусаддас етти банддан иборат. Дастлабки банд куйидагича бошланади.

Сайдинг кўябер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.
Ҳижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.¹

Шоир тузоққа тушган охунинг ҳолини хилма-хил ташбиҳ ва муқоясалар билан тасвир этгач, овчига хитоб қилиб, уни банддан озод этишни сўрайди. Шоир ҳаддан кўп зулм кўрган сайдга дилдан ачинади, сайёднинг эса зўравонлик қилганини қоралайди.

“Фурқатнинг қалбида ўз халқининг озодликка бўлган муҳаббати, интилиши жўш уради”², - деб ёзади адабиётшунос Холид Расул.

Дарҳақиқат, шеърда озодликка эришиш ҳақидаги шоир орзуси ўз ифодасини топган. Шеърда меҳнаткаш халқни эркин, ёруғ ҳаётга чақириши ҳам ёрқин сезилиб туради. Мазкур мусаддас шоир яшаган даврдаги мустамлакачилик зулмига қарши норозилик ифодаси эди. Фурқатнинг шоирлик истеъдоди бу шеърда янада чуқурроқ

¹ Фурқат. Танланган асарлар. Т. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1975 йил, 260-бет. Изох: кейинги шеърӣ парчалар мазкур китобдан олинади.

² Фурқат. Танланган асарлар. Т. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1975 йил, 7-бет.

сезилади. Шеърда аллегорик образлар ҳукмрон. Шеърдаги жўшқин лиризм Сайёдга бағишланган қуйидаги мисраларда ўз ифодасини топган:

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Ахир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса?
Чикмай деса жойидин, узлатда фиғор ўлса,
Гар чикса баногоҳи домиға дучор ўлса.
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.
Бечорани зулм айлаб, қўл-бўйнини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдиргали чоғлабсан.
Кўксини жафо бирла, лола каби доғлабсан,
Сот менга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан.
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Шоир тузоққа тушган охунинг ҳолини хилма-хил ташбиҳ ва муқоясалар билан тасвир этгач, овчига хитоб қилиб, уни банддан озод этишни талаб қилади. Яшамоклик дунёга шунчаки бир келиб кетмоклик эмас, яшамок биринчи навбатда, ҳур, эркин яшамокдир. Ўз орзуларинг, хаёлларинг, армонларинг билан яшамокдир. Шундай экан, бас, “риштани кес — деб ҳайқиради шоир, тоғларга чиксин, ўз ёри билан бўлсин” - дейди.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Оҳулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,
Ёмғур суви тўлганда тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Маълумки, ҳар бир жонивор ўз жинси билан бўлмоғи лозим. Ҳар бир ҳайвоннинг ўз яйлов жойи(ялоғи) ва қишлоғи(қишлов жойи) бўлиши зарур. Фақат уни озод қўйиш лозим – дейди шоир. Ушбу шеър мисраларида беихтиёр ҳар бир миллат мустақилликка эга бўлиши, ҳамда ўз анъаналарини сақлаган ҳолда яшамоғи зарурлиги уқтирилади. Сайдни озод қилиш унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Сайёдга хитобан айтилган қуйидаги мисраларда “тутқун табиатнинг” тиз чўкиб қилган илтижосидир.

Саргашта бу водийда бир бошига раҳм этгил,
Йўқ тоқати бандингга бардошига раҳм этгил.
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм этгил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм этгил.
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Қуйган жигари бағри садпора экан мендек.

(260-бет)

Хуллас, мусаддас мазмун жиҳатдан ниҳоятда кучли ва чуқурдир. Композицияси ҳам асарнинг ёзилиши услуби ҳам мукаммал ишланган.

Мусаддас, таржибанд усулида ёзилган. Ҳар бир банднинг охирги икки мисраси ўзаро қофиялашади.

Хуллас, “Сайдинг қўябер, сайёд...” мусаддаси мислсиз юксак асардир.

Охиридаги икки мисранинг такрорланиб туриши асарнинг эмоционаллигини янада оширади.